

Алмишов Бобур Суннатбекович
Ассистент, Жиззах политехника институти
Одилов Мухаммадсобир Тохиржон ўғли
Жиззах политехника институти талабаси

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИНГ ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ.

Аннотация: Ушбу мақолада автомобиллар техник ҳолатининг ўзгаришининг сабаблари ва унинг ҳаракат хавфсизлигига қанчалик таъсир кўрсатиши таҳлил этилган. Автомобиллар техник ҳолатини яхши сақлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: транспорт, иқтисодиёт, хизмат, автомобиль, хавфсизлик, корхона, ишлаб чиқариш, техник ҳолат, йўловчи.

*Almyshov Babur Sunnatbekovich
Assistant, Jizzakh Polytechnic Institute
Odilov Mukhammadsobir Tokhirjan's son
Student of Jizzakh Polytechnic Institute*

VEHICLE TECHNICAL CONDITION ASSESSMENT OF THE IMPACT ON MOVEMENT SAFETY.

Annotation: this article analyzes the reasons for the change in the technical condition of cars and how much it affects the safety of movement. Recommendations for maintaining the technical condition of cars well have been developed.

Keywords: transport, economy, service, car, security, enterprise, production, technical condition, passenger.

Бугунги кунда автомобил транспорти Республикамиз иқтисодий

салоҳиятига улкан ҳисса қўшмоқда ва корхоналардаги автомобил таркиби кундан-кунга янгиланмоқда. Ташилаётган йўловчиларнинг 89,0%и, юкларнинг 94%и айнан автомобил транспорти ҳиссасига тўғри келиши, автомобил транспорти мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири эканлигининг исботидир. Бу борада яқин йилларда бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилди, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ №4143-сонли қарори билан транспорт вазирлиги ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ №4230-сон қарори имзоланди. Мазкур қарорнинг мақсади транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун рақобат муҳитини ҳамда қулай шарт-шароитларни яратишдир.

Республикаимизда транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш учун аввало автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, диагностикалаш, сақлаш, ёнилғи-мойлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни ўзида мужассам этган комплекс автотранспорт корхоналарининг сонини ошириш, мавжуд автотранспорт корхоналарини замон талаблари асосида технологик жиҳозлаш, қайта қуриш ва такомиллаштиришни талаб этади.

Автотранспорт корхоналари ўзлари кўрсатаётган хизмати орқали транспорт хизматлари бозорида юзага келадиган рақобат муҳитида самарали фаолият юритиши учун аввало, таркибидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг самарадорлигини ошириши, ишлаб чиқариш техника базасини мунтазам равишда замонавий жиҳозлар билан жиҳозлаши, янги илғор ишлаб чиқариш технологик жараёнларни амалга тадбиқ қилиши зарур.

Автомобилларнинг техник тайёрлигини юқори даражада ушлаб туриш

учун уларга сифатли техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш, уларни сақлаш жойлари билан таъминлаш учун эса, автотранспорт тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш техника базасидан қуйидагилар талаб етилади:

- ишлаб чиқариш техника базасининг таъминланганлик даражаси юқори бўлиши;
- ишлаб чиқариш техника базаси янги автомобиллар параметрларига тўғри келиши;
- ишлаб чиқариш техника базаси газбаллонлиавтомобилларнинг техник эксплуатациясига мослашиши ва унинг талабларига жавоб бериши;
- ишлаб чиқариш техника базасининг технологик жиҳозлар билан таъминланганлик ва механизациялашганлик даражаси юқори бўлиши.

Ҳозирги вақтда автотранспорт корхоналари ишлаб чиқариш техник базасининг ривожланиши автомобиллар паркиннинг ўсиш суръатидан орқада қолмоқда. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибида 60...70%и ҳаракатдаги таркибга, 30...40%и эса техник базага тўғри келади. Жиззах шаҳридаги АТКларда ўтказилган эксперимент тадқиқотлари натижаларида маълум бўлдики, автомобил паркиннинг жадал ўсиб бориши шаҳар бўйича ўрта ҳисобда, АТКнинг ишлаб чиқариш майдонлари билан таъминланганлиги белгиланган меъёрларнинг 50-60 % ни, техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш постлари билан таъминланганлиги 60-70 % ни ташкил этади ва ишлаб чиқаришнинг техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш жараёнини механизация воситалари билан таъминланиш даражаси 30 % дан ошмайди.

Замонавий автомобилларнинг агрегат, механизм ва тизимлари конструкцияларининг такомиллашиши ишлаб чиқариш минтақалари, устахоналар ва ишчи постларни модернизациялашни, янги технологик жиҳозлар билан жиҳозлашни тақозо этади. Масалан, мамлакатимизда

газобаллонли автомобиллардан кенг фойдаланиш, замонавий автомобилларда АБС тормоз тизими ва автоматик узатмалар қутисининг мавжудлиги, электрон ўт олдириш тизимларининг қўлланилиши, таъминот тизими конструкциясининг мураккабланиши ва бошқалар.

Республикамиз аҳолисига хизмат кўрсатаётган хусусий транспорт секторлари фаолиятидаги қуйидаги баъзи камчиликлар автомобилларнинг техник ҳолатининг ёмонлашишига, бу эса ўз навбатида шаҳар кўчаларидаги хавфсизликни пасайишига сабаб бўлмоқда:

- транспорт воситалари аксарияти амортизация муддатини ўтаб бўлганлиги;
- уларнинг техник ҳолатини кунлик назоратини ташкил қилмаганлиги;
- уларнинг тўлиқ уюшган фаолият юритилмаётганлиги;
- ҳайдовчиларнинг малакаларининг ва тажрибаларининг камлиги;
- ҳайдовчиларнинг психофизиологик ҳолатларининг назоратсизлиги;
- ҳайдовчиларнинг асосан фақат ўз фойдаларини ўйлашлари;
- миждозларга яхши шароит яратиш тўғрисида қайғуриш учун қизиқишларининг йўқлиги.

Такси саноатининг мунтазам бошқарувини қўллаш ва корхонани иқтисодий ривожлантириш учун қуйидаги қуйидаги сабаблар таъсир кўрсатади.

Жамоат хавфсизлиги: Агар жамоат хавфсизлиги таъминлаш мақсадида мунтазам бошқарувда сифат ва сервис бўлмаса, тўлиқ бўлмаган маълумот рақобат бузилишига олиб келади.

• Истеъмолчи химояси: Одатда бунда мунтазам бошқарув бир қанча йўл кирасига, нархига таянади. Оддий мисол - кутиш вақти. Агар киши такси тухтатса, одатда унда бошқа таксининг келиши ҳақида бирор бир маълумот бўлмайди.

• Сифат: Такси хизматида сифат жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ фактордир.

- Ёмон хизмат истеъмолчининг бошқа транспорт танлашига туртки бўлади.

- Ташиш ва ташилишни камайтириш: Агар таксидан фойдаланиш паст даражада бўлса, уларнинг йўловчи қидириб кўпроқ ҳарактланишига тўғри келади. Натижада ортиқча ёнилғи сарфи ва автомобил қисмларининг ёйилишига олиб келади.

- Автомобилларнинг техник ҳолатини яхшилаш ва уларни доимий техник жиҳатдан соз ҳолатда ҳарактланиши ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Бунга асосан:

- Юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бўлган енгил автомобилларнинг техник кўриги бир йилда бир марта

- Тижорат асосида йўловчи ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобус ва микроавтобуслар, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ва тиркамалар – бир йилда икки мартаба ўтказилиши белгиланган. Лекин бу ишларнинг амалда тўғри ташкил қилинмаётганлиги сабабли йилига шаҳар кўчаларида содир бўлаётган йўл транспорт ҳодисаларининг сони ортиб бормоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш ишлари тўғри ва марказлашган ҳолатда ташкил этилиши керак ва бунинг устидан қатъий назорат йўлга қўйилиши керак.

Фойдаданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4230-сон қарори.

2. Мусажонов М.З. Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш - Т.: ФАН, 2006. -232 б.

3. Жиззах вилоят Транспорт бошқармасининг статистик маълумотлари.

4. Мухаммадиев Б. С. МАШИНАСОЗЛИҚДА ЗАМОНАВИЙ ЎЛЧАШ

АСБОБЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИ //SO‘NGI ILMIY TADQIQOTLAR
NAZARIYASI. – 2024. – Т. 7. – №. 6. – С. 149.